**81.2Араб**
**А 85**
Астанова,Г.
Араб тилида “ҳамза” ундошини ўрганиш усуллари [Матн]: илмий-услубий қўлланма/ Г. Астанова.-Бухоро: ’’BUXORONASHR’’,2021.-116 б

## *АННОТАЦИЯ*

*Мазкур услуий қўлланмада намунавий ўқув дастурида белгиланган “Шарқ (араб, форс) тили” фанидаги “Ҳамза” ундоши ва унинг имло қоидалари” хусусида назарий фикрлар берилган ҳамда уни ўқитишда таълим жараёнини сифатли ташкил этиш, талабалар тафаккурида мавзу юзасидан билим, кўникма, малакаларни шакллантириш ва ривожлантиришда педагогнинг маҳорати, янги педагогик ва ахборот технологиялари, электрон ўқув модулларини қўллай олиш қобилияти ҳақида мулоҳаза юритилган. Услуий қўлланма 5120100 – филология ва тилларни ўқитиш (ўзбек тили) таълим йўналиши бакалаврларига мўлжалланган “Шарқ (араб) тили” фанини ўқитишда таълимда инновацион ёндашув, мавзуларни илғор педагогик технологиялар асосида самарали ўргатиш масаласига қаратилади.*

Масъул муҳаррир: Саидов Ё.
филология фанлари доктори, профессор

Тақризчилар: Ахмедов А. Р.
филология фанлари номзоди, доцент

Рахимова Н. К.
“Жўйбори Калон” аёл-қизлар ўрта махсус ислом таълим муассасаси ўқув-услубий бўлим бошлиғи

Мазкур услуий қўлланма БухДУ ўқув - методик кенгашининг (29 ноябрь 2021йил) йиғилишида нашрга тавсия этилган.

**ISBN 978-9943-7782-4-5**



## **КИРИШ**

Барча замонларда ҳам илм-фан ва ютуқлари асосида интеллектуал салоҳиятнинг юксалиб бориши жамият тараққиётининг муҳим шартларидан ҳисобланган. Биз яшаётган глобаллашув даврида бу жиҳатнинг муҳимлик даражаси янада ортганлиги ижтимоий ҳаётимизнинг ҳар бир жабҳасида сезилиб туради. Таълим соҳасида мазкур масаланинг қай даражада муҳимлигини мустақил тараққиёт йўлини танлаган мамлакатимизнинг узлуксиз таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш ва такомиллаштириш, янги сифат босқичига кўтариш, таълимнинг ҳар бир жабҳасида натижа бера оладиган илғор педагогик ҳамда ахборот технологияларини жорий қилиш, таълим самарадорлигини жаҳон стандартлари даражасига етказиш масалалари давлат сиёсати даражасига кўтарилганлиги билан ҳам изоҳлаш мумкин. Зеро, “Ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз”[1].

Шунга кўра давлатимизнинг хорижий шарқ мамлакатлари билан ижтимоий, сиёсий, маданий ва иқтисодий алоқалари мустаҳкамланиб бораётган бир пайтда чет тилларини, жумладан, шарқ тилларини мукаммал билувчи, салоҳиятли филологлар, таржимашунослар, синхрон-таржимонларни етиштириб бериш куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Бунда Ўзбекистоннинг узлуксиз таълим тизимига чет тилларини ўргатиш бўйича халқаро таълим стандартларини жорий қилиш ва “чет тилларини эгаллашнинг умумевропа компетенциялари: ўрганиш, ўқитиш, баҳолаш” даражаларига асосланиш муҳим аҳамият касб этади.

[1] Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз.–Тошкент: Ўзбекистон, 2016.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АСТАНОВА ГУЛНОРА АМИНОВНА

# АРАБ ТИЛИДА “ҲАМЗА” УНДОШИНИ ЎРГАНИШ УСУЛЛАРИ

БУХОРО - 2021

**Buxoro davlat universiteti**
**o‘quv-metodik kengash 4-sonli**
**yig‘ilishining bayonnomasidan**

**K O‘ CH I R M A**

**29.11.2021** **Buxoro shahri**

**K U N  T A R T I B I:**

**1. Turli masalalar.**

O'zbek tilshunosligi kafedrasi o’qituvchisi Astanova Gulnora Aminovnaning 5120101-Filologiya va tillarni o'qitish o'zbek tili ta'lim yo‘nalishi uchun “Arab tilida "hamza" undoshini o'rganish uslubiyoti” deb nomlangan uslubiy qo'llanmani tavsiya etish.

**E SH I T I L D I:**

**M.Y. Farmanova (kengash kotibasi)** O'zbek tilshunosligi kafedrasi o’qituvchisi Astanova Gulnora Aminovnaning 5120101-Filologiya va tillarni o'qitish o'zbek tili ta'lim yo‘nalishi uchun “Arab tilida "hamza" undoshini o'rganish uslubiyoti” deb nomlangan uslubiy qo'llanmani nashrga tavsiya etishni ma'lum qildi. Ushbu uslubiy qo'llanmaga: Jo’ybori kalon ayol-qizlar o’rta maxsus islom ta’lim muassasasi o’quv-uslubiy bo’lim boshlig’i N.K.Raximova va BuxDU O’zbek tilshunosligi kafedrasi dotsenti, f.f.n., A.R.Axmedovlar tomonidan ijobiy taqriz berilgani ta'kidlandi. Uslubiy qo'llanma muhokamasi haqidagi Filologiya fakulteti (2021 yil 20 noyabr) va O’zbek tilshunosligi kafedrasi (2021 yil 17 noyabr) yig‘ilish qarori bilan tanishtirdi.

Yuqoridagilarni inobatga olib o‘quv-metodik kengash

**Q A R O R  Q I L A D I:**

**1.** O'zbek tilshunosligi kafedrasi o’qituvchisi Astanova Gulnora Aminovnaning 5120101-Filologiya va tillarni o'qitish o'zbek tili ta'lim yo‘nalishi uchun “Arab tilida "hamza" undoshini o'rganish uslubiyoti” deb nomlangan uslubiy qo'llanma nashrga tavsiya etilsin.

**2.** Ushbu qarorni tasdiqlash universitet Kengashidan so‘ralsin.

**O‘quv-metodik kengash raisi** **R.G’. Jumayev**

**O‘quv-metodik kengash kotibasi** **M.Y. Farmanova**